



“Сардоба” — “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”га айланади

2-с.

Дунёқараш ўзгарса, одам ҳам, унинг турмуш тарзи ҳам ўзгариб боради

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№21
(2349)**

**2026 йил
18 МАРТ,
ЧОРШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ОБОДЛИК

МЕХР ВА МЕХНАТ МУШТАРАКЛИГИ:

Хашарда миллий бирлик ва бунёдкорлик фалсафаси уйғунлашди

Жорий йилнинг 13-14 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб “Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади!” шiori остида умумхалқ хайрия хашари ўтказилди.

Бу галги хашар ҳам маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси маълумотига кўра, хашар кунлари 159 минг 931 та кўча, 57 минг 129 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилди, 21 миллион 619 мингдан зиёд дарахт-

лар оқлаиб, шакл берилди, 665 та зиёратгоҳ, 25 минг 537 та болалар ва спорт майдончаси тартибга келтирилди. 345 мингта хонадон томорқасида суғориш тизими яхшиланди. 10 минг 588 та қабристон тазаланди. Бу каби тадбирлар орқали халқимизнинг “қадрият унутилмайди” деган тамойили амалда ўз тасдиғини топди.

Жорий хашарнинг ўзига хос жиҳати, унинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси билан ҳамоханг кечганидир. Хашар давомида 6 миллион 889 минг тулдан зиёд манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Шундан 1 миллион 490 минг тупи камбағал оилалар хонадонига ўтказилди. 854 та янги яшил боғлар ташкил этилди.

Давоми 2-саҳифада.



БУГУНГИ СОНДА:

Салтанатни сақлаб қолган малика

Буюк салтанатлар пойдевори одатда фақатгина шамшир ва қалқон билан қурилмайди. Унинг замирида кучли тафаккур, юксак сабр ва мустаҳкам ирода ётади. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган бепоён салтанат тарихи ҳам бундан мустасно эмас.

4-с.

Сунъий интеллектдан инсон қарори устун

Сунъий интеллект бизнинг қарорларимизни ёрдамчи сифатида мустаҳкамлаши мумкинми ёки аста-секин инсон тафаккурининг ўрнини босишга уринадими? Ҳар бир инсон бу саволни ўзига бериши, эҳтиёт чораларини қўриши лозим.

5-с.

Болалар меҳрдан баҳраманд бўлишга ҳақли

Болани интернатга топшириш унда “мен жамиятга керак эмасман” деган туйғуни кучайтириши мумкин. Уни оилавий муҳитда тарбиялаш энг самарали ёндашувдир.

6-с.

Ҳужжат “гапиргани” маъқул, хатоликлар кам бўлади

Кўп ҳолларда муаммо кичик қўринадими, аммо вақт ўтиб катта муаммога айланади. Айниқса, майда савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар орасида ҳужжатсиз ишлаш ҳолатлари кўп учрайди.

7-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh



АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Эр-хотиннинг бандлиги — турмушнинг бирдамлиги



Маҳалла тизимига келишим ҳаётимда туб ўзгариш ясади. Хаёлан ҳамма-нинг турмушини ўзимникидек тасаввур қилганим учун муаммоли оилаларга кирганимдан кейин анча вақт сиқилиб юрардим. Қийналган, турмушнинг турфа синовларидан ёлғиз боши билан ўтаётган аёлларга қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Бугун меҳнатларим самараси ўлароқ, эл ичида хурмат қозондим.

4-саҳифада.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“Ҳар фурсатни ғанимат билиб, натижага эришмоқлик — мақсадим!”



Натижа учун ҳаракат қилиш — менинг ҳаётим мақсадим. Бирор ишга киришдан аввал уни пухта режалашман. Ҳар фурсатни ғанимат билиб, атрофимдаги эҳтиём-манд кишиларга ёрдам қўллари чўзаётганимдан бахтиёрман.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаронинг муаммосига бефарқ бўлмаслик, уларни тинглаш ва амалий ёрдам кўрсатиш маҳалла тизимининг устувор вазифаларидан бирига айланади.

6-саҳифада.

НУҚТАИ НАЗАР



МАҲАЛЛАНГИЗ НОМИ БИЛАН ФАХРЛАНАСИЗМИ?

ХАТОЛИКДАН — ҲАҚИҚАТГА, МАНТИҚСИЗЛИКДАН — МАНТИҚИЙЛИККА ЎТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Кадастр агентлиги 8 992 та маҳалланинг чегараларини хатловдан ўтказиб, уларнинг ягона геоахборот базасини шакллантирди. Шунингдек, 1 974 та маҳалланинг номи давлат экспертизасидан ўтказилиб, халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида расмий равишда ўзгартирилди.

Маҳалла — жамиятнинг кичик бўғини, лекин унинг номи катта маъно-мазмунга эга бўлиши шарт. Афсуски, ҳали-ҳамон юртимиздаги айрим маҳалла номлари рига назар ташласак, уларда мантиқсизлик, имловий хатоларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. Ханузгача “1-маҳалла”, “2-маҳалла” каби рақамли ёки “Октябрь”, “Совхоз” каби совет давридан қолган номлар учраб туради. Бундай номлар на ҳудуднинг тарихини, на халқнинг ўзлигини ифодалайди.

Ачинарлиси, баъзи маҳалла номларида оддий имло қоидаларига ҳам риоя қилинмайди. Масалан, “Боғишамол” ўрнига “Боғи шамол”, “Янгиобод” ўрнига “Янги абад” каби нотўғри шакллар пешлавлаларда акс этмоқда. “Янги ҳаёт-1”, “Янги ҳаёт-2” каби бир-бирини такрорловчи номлар худудий идентификацияни қийинлаштиради. Баъзи номлар эса шунчаки чиройли жаранглаши учун танланган, лекин маҳаллий топонимика билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Давоми 2-саҳифада.



7-САҲИФА

МАҲАЛЛА БИЛАН “ТИЛ ТОПИШМАГАН” ТАДБИРКОР “ХАВФЛИ” ТОИФАГА КИРАДИМИ?

ESG, бу — мажбурият эмас, имконият. Бу тадбиркорга нафақат қонуний ишлаш, балки барқарор ривожланиш, жамиятда обрў орттириш ва узоқ муддатли фойда олиш имконини беради.





ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ерда яратилган ноёб шароитлар ва бой экспозиция билан танишди.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ Олмалиқ шаҳрида навбатдаги мегалойиха — 3-мис бойитиш фабрикаси фаолиятига старт берди.



АҚШнинг Сизтл шаҳрида (Вашингтон штати) **ЎЗБЕКИСТОН БОШ КОНСУЛХОНАСИ** ўз фаолиятини бошлади.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

НУҚТАИ НАЗАР

Қонунчиликда географик объектларга ном беришнинг аниқ тартиби мавжуд. Унга кўра, маҳалла номларини ўзгартириш фуқаролар йиғинининг илтимосномаси ва махсус комиссия хулосаси асосида амалга оширилади. Шунга кўра, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Кадастр агентлиги ўтган йили 1974 та маҳалланинг номини қонунчилик талаблари асосида, ҳудуддаги аҳолининг фикрини инобатга олган ҳолда ўзгартирди.

МАҲАЛЛАНГИЗ НОМИ БИЛАН ФАХРЛАНАСИЗМИ?

Хатоланган — ҳақиқатга, мантқиқсизликдан — мантқиқийликка ўттиш фурсати етди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИСМАТОВ.

Шундай бўлса-да, бизнингча, Республика миқёсида маҳалла номларининг ягона реестрини тузиб, маъносиз, рақамланган ва имловий хатоси бор номларни яна бир қарра рўйхатдан чиқариш лозим. Ҳар бир ҳудуднинг қадимий номи, ўша ерда яшаган алломалар ёки ўзига хос табиий хусусиятларидан келиб чиқиб ном бериш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурдаги Маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш масалалари бўйича идоралараро доимий комиссиялар таркибига тилшунос олимлар ва маҳаллий тарихчиларни (ўлкашуносларни) мажбурий тартибда киритиш зарур.

Маҳалла номи, бу — шунчаки манзил эмас, бу тарбия ва маданият ўчоғидир. “Қайси маҳаллада яшайсан?”, деган саволга “14-маҳаллада” деб жавоб бериш руҳиятга ҳеч нарса бермайди. Аммо “Навбахор” ёки “Адолат” маҳалласида яшайман”, дейишда муайян масъулият ва ғурур бор. Шундай экан, маҳалла номларини айтганда уялиш ва андиша қилиш эмас, фахрланиш, баралла айта олиш ҳиссини туйайлик!



Маҳалла номларини тартибга солишда хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларда ном бериш шунчаки техник жараён эмас, балки миллий ўзлик, тарих ва шаҳарсозлик маданиятининг муҳим қисми ҳисобланади.

Туркияда маҳалла (“mahalle”) номлари кўпинча ўша ҳудудда жойлашган қадимий масжид, мадраса ёки тарихий шахслар номи билан юритилади (масалан, Истанбулдаги “Sultanahmet” ёки “Besiktas”). Маҳалла номини ўзгартириш учун нафақат маҳаллий кенгаш, балки Ички ишлар вазирлигининг розилиги ва тилшунослар хулосаси талаб этилади.

Японияда манзил тизими бизникидан тубдан фарқ қилади, лекин у ердаги мантқиқ ўрганишга лойиқ. Кунчиқар юрда маҳаллалар “Chō” (шаҳарча) ва унинг ичиндаги “Chōme” (мавзе)ларга бўлинади. Номларнинг аксарияти табиий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, “Hoshigaoka” (“Юлдузли тепалик”) ёки “Ayukawa” (“Балиқли дарё”). Бу аҳолида ўз яшаш жойига нисбатан меҳр уйғотади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Соғлом ҳаёт тарзи сари ҳар доним биргалликда

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича қўшма дастури минтақавий раҳбари Эамонн Муррхэй билан учрашув бўлиб ўтди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Учрашув аввалида Ўзбекистондаги маҳалла тизими, унинг жамиятдаги роли ва ижтимоий салоҳияти ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, аҳолининг ОИВ/ОИТСдан хабардорлигини ошириш, касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича чоралар муҳокама қилинди.

Мулоқотда 95-95-95 концепцияси кўриб чиқилди. Унга кўра, 2030 йилга қадар касалликка чалинганларнинг 95 фоизи ОИВ статусини билиши, 95 фоиз ташхис қўйилган беморлар доволанишда бўлиши ва 95 фоиз даволанганлар вирусни утказмас даражага тушиши кўзда тутилган. Бу мақсадлар амалга ошса, вирус тарқалиши сезиларли даражада камайди ва беморлар соғлом ҳаёт кечириши учун шароит яратилади.

Шу боис маҳалла тизими каби жамоавий институтлар аҳолига тўғри маълумот етказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва профилактика чораларини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

ОБОДЛИК

МЕҲР ВА МЕҲНАТ МУШТАРАКЛИГИ: Ҳашарда миллий бирлик ва бунёдкорлик фалсафаси уйғунлашди



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жамшид НАЗАРБОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими.

Хашар фақат тозалик, ободликдан иборат эмас. Хукумат фармойишига биноан, тадбир доирасида ижтимоий Ҳимояга муҳтож қатламга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 42 минг 124 та камбағал оиланинг уй-жойлари таъмирланди, 58 минг 153 та эҳтиёжманд оила, жумладан, 23 минг 114 нафар ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, моддий ёрдам кўрсатилди. 7 006 та камбағал оила фарзандларига кийим-кечак, 48,6 мингта оилага озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Шу билан бирга, 13 минг 950 та камбағал оилалар хонадонда ифторлик дастурхонлари ташкил этилди, 3 841 та маҳаллада кўйлар сўйилиб,

37,1 мингдан зиёд камбағал оилага тарқатилди. 4 661 та маҳаллада кайвони ва хожи онахонлар иштирокида “сумалак сайиллари” ташкил этилди. Бу амаллар, ўз навбатида, хашарнинг нақадар инсонпарварлик моҳиятига эга эканини яна бир бор тасдиқлади.

Тарихан хашар йўли билан энг йирик ва мураккаб иншоотлар — каналлар, кўприклар ва мадрасалар қурилган. Бугунги кунда бу анъана янгича мазмун касб этиб, хашар кунлари маҳалларда янги ижтимоий объектлар фойдаланишга топшириляпти, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Бу ҳақда сўз кетганда, хашар доирасида 199 километр ички йўллар асфальт қилинди, 690 километри шағаллаштирилди, 320 километр қисми таъмирланди. 4 653 та ёғоч устунлар бетонга ал-

маштирилди, 7 158 та тунги ёритиш чироклари, 195 та хонадонга қуёш панеллари ўрнатилди. Бундан ташқари, 18 та маҳалла идораси, 19 та маҳалла кутубхонаси ҳамда 568 та ижтимоий ва маиший объектлар ишга туширилиши натижасида 1 387 та янги иш ўринлари яратилди. Шубҳасиз, бу каби бунёдкорлик ишлари халқимизнинг “Янги ҳаёт, янги бино, янгича нафас” деган эзгу тилакларининг амалий ифодасига айланган.

Инсонлар ўз уйи, кўчаси ва маҳалласининг тозаллигини учун масъулиятни ҳис қилиши, бу — юксак фуқаролик маданиятининг белгисидир. Шу маънода бу галги умумхалқ хашарида 17,1 миллион нафардан зиёд фуқаронинг иштирок этгани, айниқса, уларнинг 9,2 миллион нафардан зиёдини ёшлар ташкил этгани эътиборлидир.

Умумхалқ хашари Ўзбекистонда шунчаки анъана эмас, балки жамиятнинг маънавий қувватини кўрсатувчи муҳим омилдир. У инсонларни бирлаштиради, атроф-муҳитга меҳр уйғотади ҳамда келажак авлодга обод ва файзли юрт қолдириш йўлидаги умумий мақсадларни ифода қилади. 13-14 март кунлари ташкил этилган умумхалқ хашарида бу жиҳатлар яна бир қарра тасдиқланди.

ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ УСТУВОР

Маҳалламиз 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, 6 576 нафар аҳоли истиқомат қилади. Айти пайтда ҳудудда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” тамойили асосида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган.

Аваз ЗОКИРОВ, Кармана туманидаги “Сардоба” маҳалласи раиси.

“САРДОБА” — “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”ГА АЙЛНАДИ

Лойиҳа доирасида маҳаллада инфратузилмани тубдан яхшилаш, аҳоли учун қўлай яшаш муҳитини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Жараёнда буш ер майдонлариди микросаноат, хунармандчилик ва хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этилади, йўллар таъмирланиб, тунги ёритиш тизимлари ўрнатилди. Бу маҳалла иқтисодий фаоллигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Қолаверса, замонавий талабларга жавоб берадиган оилавий шифокорлик пункти, янги кўринишдаги мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасалари барпо этилмоқда. Ҳудудда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 14,2 миллиард сўмлик 19 та, чорвачилик йўналишида 20 миллиард сўмлик 9 та лойиҳа амалга оширилади. 200 гектарлик анорзор боғ ташкил этилади.

Шунингдек, ҳудудни замонавий “сити” услубидаги шаҳарча кўринишига келтириш режалаштирилган. Кенг ва раво йўллар, замонавий архитектура асосида барпо этилаётган бинолар ҳамда ҳудуднинг ҳар бир бурчагидаги дизайн ечимлари маҳаллага мутлақо янги қиёфа бағишляётир.

Маҳаллада саноатни ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 100 миллион доллар-



лик иккита лойиҳа доирасида 315 та янги иш ўрни яратилади. Яна бир муҳим лойиҳа — “Мебелчилик саноат ҳудуди”нинг ташкил этилишидир. Унинг умумий майдони 6 гектарни ташкил этиб, бу ерда қиймати 61,2 миллиард сўм бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши кўтилмоқда. Бу эса маҳалла аҳолисининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳаллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш имконини яратди.

Умуман олганда, “Сардоба”да амалга оширилаётган ишловлар марказида инсон манфаати турибди. Ҳудудни обод қилиш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш ва иқтисодий фаолликни ошириш орқали маҳалламиз яқин йилларда замонавий инфратузилмага эга, аҳолиси фаровон ҳаёт кечирадиган ва тадбиркорлик ривожланган намунавий ҳудудлардан бирига айланади.

Маҳаллада амалга оширилган ишловлар натижасида 412 нафар аҳоли хонадонларида доимий даромад манбаи яратилади ва маҳалла йил якунига қадар ишсизликдан холи ҳудудга айлантиради.



Кредит рекламаларида қарз мажбуриятини бажармаслик **МОЛИЯВИЙ ХАТАРЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ** мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш бўлади.



Истироҳат боғлари ва аттракционларда **ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИК** учун тадбиркорларга иқтисодий жарималар қўлланилади.



МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: 1 март ҳолатига Ўзбекистонда жами **576,8** мингта корхона ва ташкилот фаолият юритмоқда.

2026 йил
18 МАРТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №21

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

“Еттикон” маҳалласининг Ҳамроҳ кўчасида истиқомат қилувчи оилаларнинг барчаси тадбиркорликнинг турли йўналишлари билан машғул. Айниқса, томорқани асосий иш жойига айлантириб, яхшигина даромадга эга бўлаётганлар сони ортиб бормоқда.

“Асосий иш жойимиз — томорқа”



Зоҳида КЕНЖАЕВА, Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари.

Камбағал одам бўлмади, аксинча дангаса одам бўлади. Кимки хонадонда томорқаси бўла туриб, ер шўрлаган ёки сув тақчил, деган бахона билан яшаса, бири икки бўлмаслиги аниқ. Бундайлар рўзгорига бодринг-помидорни ҳам, сабзи, пиёзу картошкани ҳам бозордан ташийди. Тўрақўрғон туманидаги “Еттикон” маҳалласида яшовчи аҳоли буни яхши англайди. Шу боис ҳар қарич ердан унумли фойдаланишади. Чиндан ҳам, томорқадан оқилна фойдаланишда гап катта. Аслида, билганга томорқа — кони фойда. Тўғриси, илгари кўпчилик бунга эътибор бермасди. Баъзи хонадонлардаги ерларнинг ўт босиб ётиши ҳам сир эмасди. Энди эса бу юмуш фаровонликнинг муҳим манбаига айланган. Мисол учун, Ҳамроҳ кўчасида яшовчи Зокиржон Жўрабоев бир неча йилдан бери кўчатчилик билан шуғулланади. Шу кун-

ларда декабрь ойида сепилган помидор уруғлари униб чиқиб, ерга қайта экишга тайёр ҳолга келди. Атиги 15 кун аввал ихчам идишчаларга жойлаштирилган бодринг уруғлари эса униб, аллақачон иссиқхоналарга етказилди. Баҳорнинг илк кунларидаёқ 5 минг туп бодринг, 40 минг туп помидор кўчатлари сотиб бўлинди. Яна 100 туп кўчатлар ривожланишда. Тадбиркор оила кўчатларни деярли бозорга олиб чиқмади, доимий миқозлари бор ва ниҳоллар тайёр бўлиши билан улгуржи олиб кетишади. Эътиборлиси, оиланинг барча аъзоси шу 3,5 сотихли иссиқхонада банд. Даромад камида 50 миллион сўмдан юқори. Йилга икки марта ҳосил олишади.

“Ернинг умри ҳам инсон ҳаётига ўхшайди. Агар ундан самарали фойдаланилса, фаровонлик келтириверади.”

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

ДАРАХТЛАРНИНГ ТЕЗ МЕВАГА КИРИШИ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИР ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

Боғдорчиликда боғбонлар мева дарахтларида куртакларни уйғотиш, янги шохларни шакллантириш ва мевага кириш жараёнини тезлаштириш мақсадида агротехник усуллардан фойдаланади. Шу усулдан бири — дарахтнинг ўсишини биологик ва физиологик жиҳатдан бошқариш жараёнидир.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

ДУНЁҚАРАШ ЎЗГАРСА, ОДАМ ҲАМ, УНИНГ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАМ ЎЗГАРИБ БОРАДИ

Баландпарвоз туюлса-да, айтаман — маҳалламизда кенг қўламдаги ўзгаришлар қилинди. Аввало, аҳолининг дунёқараши ўзгарди. Одамлар ҳаракатга тушди, тадбиркорга айланди, ишлаб чиқариш корхонасига асос солди. Имтиёзли кредит, тегишли тавсия ва ёрдамлар натижасида ўтган йилнинг бошидан бугунга қадар бекорчи одамнинг ўзи қолмади. Аксинча, кўшни туманлардан келиб, ишлаётганлар бор.



Иқболжон СОДИҚОВ, Қўқон шаҳридаги Собир Абдулла номли маҳалла ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалламизнинг асосий “драйвери” — тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш. Бундан ташқари, аҳоли, тропик меваларни етиштириш, иссиқхоначилик ҳамда паррандачилик орқали рўзгорига мўмай даромад келтирмоқда. Худудда 6 минг нафардан зиёд фуқаро яшайди. Бежизга бу рақамни келтирмадим. Чунки унинг ортида алоҳида тақдирлар мужассам. Бодомзор кўчасида яшовчи Шуҳратжон Умаров хонадонига ҳамма ҳавас қилади. Уларни гулчилар оиласи сифатида танишади. Боиси хонадон эгалари кўп йиллардан бери манзарали гуллар парваришлаб келади. Айниқса, иссиқхонада хориждан келтирилган навларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Меҳнатнинг таги роҳат, деганларидек, даромад йилига 60 миллион сўмга етмоқда. Худудда ҳар ким ўз кизиқиши ва меҳнати орқали барака топади. Ишлаган, изланган инсон кам бўлмаётганини кўрганлар тадбиркорликка кизиқмоқда. Ташаббускор инсонлар сафи ортомқда. Шу боис 2026 йилда 2,1 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиш кўзда тутилган. 34 ёшли Абдоржон Қобилов ҳам ана шундай ишбилармонлардан. У бир неча йил аввал ҳўроз парваришига оддий қизикш билан киришган бўлса, бугун бу машғулот даромад манбаига айланди.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Сардор ҚАМБАРОВ, Олмалик шаҳри:

— Айрим ҳолатларда банккомат техник носозлик ёки бошқа сабаблар туфайли банк картасини қайтариб бермаслиги мумкин. Яқинда ўзим шу ҳолатга тушдим. Банк ходими карта 3 иш кунида берилишини айтди. Шу қонунийми? Аслида, пластик карта қанча муддатда қайтарилиши керак?

Картангиз “3 иш кунида” эмас, ўша куни қайтарилиши керак!



Абдорбек ЭЪЗОЗОХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Дарҳақиқат, бу вазиятда айрим банк ходимлари миқозларга “карта 3 иш кунида берилди” деган жавоб айтди. Лекин амалдаги қонунчиликда бу масала аниқ тартиб билан белгиланган. Марказий банк Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари” тўғрисидаги низомига кўра, агар банккомат банк картасини қайтариб бермаса, банк картаси сақловчиси банккоматга хизмат кўрсатувчи банк(эквайер)ка оғзаки ёки ёзма мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаат банк операция куни давомида келиб тушса, карта шу куннинг ўзида қайтариб берилиши керак. Операция куни тугагандан кейин келиб тушса, карта кейинги банк операция кунидан кечиктирмасдан қайтарилиши шарт.

Шодмон НАМАЗОВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Амалиёт учун энг мақбул давр — февраль ойининг охири ва март ойининг бошлари ҳисобланади. Бу вақтда дарахтларда шира ҳаракати ҳали тўлиқ бошланмаган ёки энди бошланаётган бўлади. Айрим ҳудудларда баҳор кеч келса, ушбу амални март ойи охири — апрель ойи бошларида ҳам бажариш мумкин. Унинг ёрдамида уйқудаги куртакларни уйғотиш, янги шохлар ҳосил қилиш, дарахтнинг тож шаклини тўғри шакллантириш, мевага киришни рағбатлантириш, шохсиз бўш жойларни тўлдиретиши эришилади. Унинг илмий асоси дарахтнинг озиқ моддалар ва сув ҳаракати таъсир қилиш тамойилига асосланган. Бунинг учун куртак ёки шохчанинг тепа қисмидаги пўстлоқ озгина кесиб қўйлади. Натижада шу жойда озиқ моддалар тўпланади, куртакларнинг ўсиши кучаяди, янги шохчалар тезроқ ривожланади.

“Пўстлоқ тилиш усули ёш дарахтлар, тез ўсувчи пайвандтаглар, тожи нотўғри шаклланган дарахтларда жуда самарали натижа беради. Шунинг учун ушбу усулни агротехник қоидаларга амал қилган ҳолда, эҳтиёткорлик билан бажариш муҳим.”



Тошкент шахрига 300 та "Svitchblade" русумидаги УЧАР ТАКСИЛАР ОЛИБ КЕЛИНИШИ режалаштирилмоқда.



Ўзбекистон ва Қозоғистонда суратга олинган "АМИР ТЕМУР" ТАРИХИЙ ФИЛЬМИ 120 та давлатда намойиш этилади.



Ўзбекистонда ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ таъсис этилди. У аграр соҳада тадқиқотларни мувофиқлаштиради.

4

Mahalla №21

2026 йил 18 МАРТ, ЧОРШАНБА

"ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!"

АЁЛГА ЭЪТИБОР — ОИЛАГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Эр-хотиннинг бандлиги — турмушнинг бирдамлиги

Маҳалла жуда яхши кўраман. Бу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг қадри мен учун бўлачқ. Айниқса, хотин-қизлар билан яқин сирдошмиз. Улар бошига бирор ташвиш тушиб қолгудек бўлса, ҳеч иккиланмай ёнимга келишади. Айримлари оила аъзоларига айта олмаган гапларини менга очиқлайди.



Севара МАВЛОНОВА, Марғилон шаҳридаги "Маориф" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла тизимига келишим ҳаётимда туб ўзгариш ясади. Хаёлан ҳаммамнинг турмушини ўзимникидек тасаввур қилганим учун муаммоли оилаларга кирганимдан кейин анча вақт сиқилиб юрардим. Қийналган, турмушнинг турфа синовларидан ёлғиз боши билан ўтаётган аёлларга қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Бугун меҳнатларим самараси улароқ, эл ичида хурмат қозондим.

Рамазон ойи бошлангандан буён бешта оилани мурасага келтиришга эришдик. Бир ҳолатда бир нафар фарзанди бўлган эр-хотин учинчи шахс аралашуви сабаб анча вақт айро яшаб келаётганди. "Еттилик" ходимлари ҳамда "Оқила аёллар" ҳаракати аъзолари билан ҳамкорликда қўрилган чоралар ўз самарасини кўрсатди. Энди ёшлар келишиб, бахтли турмуш кечирапти.

Худудимиздаги хотин-қизларнинг асосий қисми хунармандчилик билан шуғулланади. Масалан, Маърифат Усмонова йигирма йилдан буён эркаклар дўпписини тикади. Фақат қўл меҳнати билан яратилаётган санъат асарларининг бозордаги нархи ўртача 400 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулот нисбатан қиммат бўлишига қарамай, унга талаб жуда юқори. Тадбиркор хонадонидида 5 нафар аёлни банд қилган бўлса, яна 30 нафар опа-синглимизни касаначилик асосида ишли бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Аслида, оилада хотиржамлик ва қўл-барак ҳуққон бўлиши кўп жиҳатдан эр-хотиннинг бандлиги билан боғлиқ. Шунда моддий қийинчиликлар ортага чекиниб, вақт ҳам сермазмун ўтади. Ҳар ким севимли машғулот билан шуғулланиб, кайфияти аъло бўлади.

Маҳалламиз айна кунда хизмат кўрсатиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида фаол ҳудудлардан бири ҳисобланади. Худудимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзига ҳам, ўзгача ҳам наф келтирар аёллар



Маҳбуба САИДОВА, Бухоро шаҳридаги "Хўжа Ғунжорий" маҳалласи раиси.

Тадбиркорларимиздан бири Жасмина Юсупова 120 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига тўй ва маросимлар учун хизмат кўрсатувчи "Жасмин" сарпо дўконини ташкил этди. Мазкур савдо шохобчасида миллий ва замонавий сарполар тикилиб, талабгорларга тақлиф этилмоқда. Мухими, бу тадбиркорлик лойиҳаси доирасида 11 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, ишчиларга кунлик меҳнат самарадорлиги ва бажарилган иш ҳажмига қараб иш ҳақи тўланмоқда.

Шунингдек, яна бир ташаббускор аёл Дилафруз Зокирова уй шароитида тикувчилик цехи ташкил этган. У ерда 8 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, буюртма асосида миллий ва замонавий либослар тикилди. Тадбиркорнинг меҳнатсеварлиги, маҳсулотлар сифати яхшиланишидан тобора мижозлар ишончини қозоняпти.

Яна бир ибратли тажриба ҳудудда Азима Ҳалимованинг фаолияти билан боғлиқ. У яшаш манзилида новвойхона ташкил этган. Ҳозирда бу ерда 5 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлиб, ҳар бир ишчига ойига 2 миллион сўмдан иш ҳақи тайинланган.

Умуман, маҳалладаги ташаббускор аёллар ўз меҳнати ва хунари орқали нафақат аҳоли эҳтиёжларини қондиришти, балки барқарор даромад манбаига эга бўлишмоқда.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Салтанатни сақлаб қолган малика

Буюк салтанатлар пойдевори одатда фақатгина шамшир ва қалқон билан қурилмайди. Унинг замирида кучли тафаккур, юксак сабр ва мустақам ирода ётади. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган бепоён салтанат тарихи ҳам бундан мустасно эмас.

Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ, журналист.

Ушбу давлатчилик солномасида исмлари зарҳал ҳарфлар билан битилган сиймолар бисёр. Уларнинг орасида давлат бошқарувида ўз сўзига эга бўлган аёлларнинг ўрни бекиёсидир. Ана шундай нодир шахслардан бири Амир Темурнинг оқила эгачиси (опаси) Қўтлуғ Туркон оғо ҳисобланади. Бу улугвор аёл узун ва мураккаб сиёсий йўлда Темурбекка таянч бўлган.

Манбаларда келтирилишича, Қўтлуғ Туркон оғо милодий 1331 йилда ёруғ дунёга келган. Тақдир синови туфайли улар онадан жуда эрта етим қолишади. Шу сабабли ёш Темурбек учун бу оқила опа меҳрибон волида вази-фасини бажаради. Тарихчилар ўз изланишларида ушбу маликанинг юксак маърифат эгаси бўлганлигини таъкидлайди. У нафақат сарой одобини пухта ўзлаштирган, балки мураккаб даврнинг сиёсий манзарасини ҳам теран тушунган. Соҳибқирон ўзининг энг оғир ва таҳликали кунларида айнан опасининг соғлом ақлига таянган.

Оқила малика фақатгина оилавий ташвишлар ёки сарой ичидаги ишлар билан чекланиб қолмаган. У мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида, айниқса, меъморчилик соҳасида из қолдирган. Самарқанд заминидида қад ростлаган қўллаб бетақдор обидалар айнан унинг кўрсатмаси остида бунёд этилган. Амир Темур бирор бир йирини иншоотга тамал тоши қўйишдан олдин опасининг маслаҳатларига қўлоқ тутган. Шарафуддин Али Яздий ўз битикларида бу аёлнинг қўллаб хайрли ишлар қилганлигини эътироф этади. Малика ўз маблаглари ҳисобидан мухташам мадрасалар ва мусофирлар учун хонақоҳлар қурдиргани тарихдан яхши маълум.



Маҳалла тизимида ишлайдиган киши-дингон ўй-хаёллари ҳам доим қайсидир фикр билан банд бўлади. Айниқса, келиша олмаётган эр-хотинни яраштириш, ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш масалалари охириги вақтда долзарб аҳамият касб этмоқда.



Салтанат солномасидаги энг қалтис ва синовли дамлардан бири 1382 йилда юз берди. Бу даврда Соҳибқироннинг тўнгич қизи Тағайшоҳ оғо оғир хасталикка чалинади. Кўп ўтмай, бу гўзал малика бевақт оламдан ўтди ва бутун саройни мотам қайғуси босади. Фарзанд доғи бутун дунёни титратган қудратли ҳукмдорни ҳам қаттиқ ларзага солади. "Зафарнома" асариди битилишича, бу мусибатдан сўнг ҳукмдор дунё ишларидан бутунлай қўл силтаган. У ўзини тўлиқ қайғуга топшириб, давлат бошқарувини ва сарҳадлар ҳимоясини ўз ҳолига ташлаб қўяди.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Хунар билан топилган даромадда барака кўп

Шўрчи туманининг "Ободон" маҳалласида хотин-қизларнинг тадбиркорликка интилиши маҳалла ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, хунармандчилик билан шуғулланиб, нафақат ўз оиласи, балки маҳалладошларининг ҳам бандлигини таъминлаётган фидойи аёллар кўпайиб бораётгани қувонарлидир.

Нигина ШОЕВА, журналист.

Турсунжамол Юсупова бир неча йилдан буён тикувчилик соҳасида фаолият юритиб келмоқда. У ўз меҳнати, изланиши ва маҳорати орқали аёллар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшапти. У тиккан замонавий ва миллий аёллар либослари сифатли ва чиройли бўлгани сабабли жуда хари-дор.

— Тикувчилик касбига ёшлигимдан қизиқаман, — дейди Турсунжамол Юсупова. — Аввал уйда кунда-кунора қўшниларга либос тикиб бераардим. Кейинчалик, маҳалла фаоллари ва яқинларимнинг қўллаб-қувватлаши билан фаолиятимни кенгайтириб, устахона ташкил этдим. Ҳозир 5 нафар аёл билан бирга янгича услубдаги кийимлар тикилмоқда. Аёл ўз меҳнати билан даромад топса, оиласига барака қиради. Шу сабабли имконим борича яна кўпроқ хотин-қизларни ишга жалб қилишни режалаштирганман.

Бундай меҳнатқаш ва ташаббускор аёллар маҳалланинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутди. Улар нафақат хунармандчиликни ривожлантирмоқда, балки маҳаллада меҳнатсеварлик, бирдамлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳитини ҳам мустақамламоқда.

Айнан шу қалтис вазиятда мамлакат чегараларига ўта жиддий ҳавф соя солади. Амир Темурнинг азалий ва ашаддий душманларидан бири туркман Алибек Жонқурбоний маккорлик билан янги режа тузади. У Амир Вали билан ўзаро иттифок тузиб, зудлик билан Хуросон худудига бостириб кириш тараддудини кўради. Салтанатга душман қўшини яқинлашиб келаётгани ҳақидаги нохуш хабарлар саройга етиб келади. Аммо чуқур мотам кайфиятидаги ҳукмдорга бу совуқ хабарни етказишга ҳеч бир бекнинг журъати етмайди.

Жимжитлик ва кўрқув ҳукм сураётган бундай таҳликали лаҳзада яна Қўтлуғ Туркон оғо тарих сахнасига

чиқади. У ҳеч қандай иккиланишсиз ўз укасининг ҳузурига кириб, ҳукмдорни тезда ҳушёрликка қақиради. Шахсий мусибат олдида миллат тақдирини унутмасликни уқтиради. Бу тарихий хитоб нафақат бир ҳукмдорни, балким бутун бошли салтанатни ҳалокатдан қўтқариб қолади. Салтанат яхлитлигини сақлаб қолган бу воқеадан роппа-роса бир йил ўтиб, 1383 йилда Қўтлуғ Туркон оғо вафот этади. У муқаддас Самарқанд заминидидаги Қусам ибн Аббос мазори яқинига катта эҳтиром билан дафн этилади. Оқила маликанинг сермазмун ҳаёт йўли миллатимиз ўтмишидаги аёлларнинг нақадар юксак макомга эга бўлганини кўрсатади.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА тайёрлади.



Маст ҳолда рулга ўтирганларни 5 йилгача **ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ** таклиф этиляпти.



Лойиҳаларни ғоя босқичидан то экспортгача бўлган бутун занжирда комплекс **Қўллаб-қувватлаш тизими** жорий этилади.



Элбек Зоҳиджонов ва Асилбек Суннатов АҚШнинг Массачусетс технология институтига **100 ҲАЙДОВЧИЛИК ГРАНТ АСОСИДА** ўқишга қабул қилинди.

2026 йил
18 МАРТ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №21

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА ҚўМАКЧИ

РАҚАМЛИ СТАРТАПЛАР

Уддабурон ёшлар даромад манбаини топишди

2022 йилдан буюн маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият юритиб келаман. Худуднинг асосий “драйвер”и — деҳқончилик ва чорвачилик. Ёшларнинг қарийб 40 фоизи айнан шу соҳада меҳнат қилиб, рўзгор тебратяпти.



Сардорбек ШАМСИДДИНОВ, Наманган туманидаги “Тева қиёт” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизни “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида ривожлантиришга ҳаракат қилдик ва қулупнай етиштиришга ихтисослашдик. Утган йили 31 нафар ёшга жами 4,5 гектар ер ажратилди. Ёшлар бу имкониятдан унумли фойдаланиб, эрта баҳордан далага қулупнай экиди. Аслида, қулупнай жуда ноёб экин — у икки мавсумда ҳам ҳосил бериши билан ажралиб туради. Меҳнат қилсангиз, даромади ҳам яхши бўлади.



Масалан, апрель-май ойларида қулупнай пишиб етилганда ёшлар 15 сотих ернинг ўзидан ўртача 25-30 миллион сўмгача даромад қилишади. Бу эса улар учун жуда яхши рағбат бўляпти. Кейин август ойига бориб қулупнайнинг ён шохларидан қўчат олинадилар ва уни сотиш орқали яна қўшимча даромад топишади. Шу тариқа биргина экиндан йил давомида икки-уч марта фойда қўриш мумкин.



Қузага келиб, ниҳоллардан яна ҳосил олиш имкони бўлади. Албатта, ҳар бир экиннинг ўз муддати бор. Қулупнай ҳам икки йил давомида тинимсиз ҳосил бергач, қўчат илдири кучсизланиб, ҳосил майдаланиб кетади. Шунда эски қўчатларни чиқариб ташлаб, ер ҳайдалади ва ўрнига бошқа экин экилади. Ер бир йил дам олгач, яна қулупнай экишга тайёр бўлади. Шу усул билан ердан унумли фойдаланиш йўлга қўйилган.

Ёшлар орасида уддабуронлари кўп. Масалан, Аҳмаджон Маҳмуджонов аввал миграцияда ишлаб келган. Ўзи олий маълумотли йигит. Қишлоққа қайтгач, уни иш билан таъминлашга ҳаракат қилдик ва қўшимча равишда ер ажратдик. Аҳмаджон бу имкониятдан жуда яхши фойдаланди. Қулупнай экиб, меҳнат қилди. Натияжада у биринчи йилнинг ўзида-ёқ бошқаларга қараганда анча юқори даромад олишга эришди.

Шундай ёшларни кўрсак, кўнглимиз қувонади. Чунки бугун йигит-қизлар ўз ерида ишлаб, меҳнати билан даромад топаётган бўлса, бу қишлоғимизнинг ҳам, келажакимизнинг ҳам мустақам бўлишидан дарак. Биз эса ёшлар етакчиси сифатида уларга имкон яратиш, йўл кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Китоб дўконида харидорларнинг 90 фоизи — ёшлар!



— Китоб дўконларимизнинг харидорларининг 90 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу биз учун жуда қувонарли ҳол, — дейди Тоҳир Эшмонов. Ҳақиқатан ҳам, бугун бу дўконларда ёш китобхонлар орасида янги адабиётлар хариди кўпайган, улар билим олишга чанқоқ ва мутолаа маданиятини ривожлантиришга иштиёқманд.

Энди китоб дўкони эгалари мутолаа маданиятини оммалаштириш бўйича янги ғояларни илгари сурмоқда: турли китоб тadbирлари, ўқувчилар учун маслаҳат соатлари ва ёшлар учун интерфаол ўқув майдончаларини яратиш режалаштирилган. Ёшларнинг куну тун эркин билим олишига хизмат қилаётган бу каби марказлар тармоғини кенгайтириш эса ҳар бир шаҳар ва маҳалла учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Президентимиз жорий йил 24 февралда ёшлар билан ўтказган мулоқотда эълон қилинган ташаббуслар бугун ўз самарасини бермоқда.

Ойига 10 мингдан ортиқ китоб сотувини амалга оширган тadbиркорларга 1 миллиард сўмгача 7 фоизлиқ ссуда ажратиш тартиби натижасида жойлардаги китоб дўконлари фаолияти жонланди. Жумладан, Жиззах шаҳрининг “Маданият” маҳалласида “Sargmoa books” дўкони иш юритувчиси Тоҳир Эшмонов ва “Умид” китоб дўкони раҳбари Умид Баримов ўз ишларини йўлга қўйди. Биргина “Sargmoa books” кутубхонасида 24 минг китоб бор. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 20 нафар ёшнинг китоб ўқиши учун имконият яратилган.

Дилафрўз ЭРКИНОВА. Сирдарё вилояти:

— Икки нафар қизим бор: каттаси 10-синфда, кичиги 9-синфда ўқийди. Уларни ўзим билан чет давлатга олиб кетмоқчиман, чунки бу ерда болаларимга қарайдиган яқин инсоним йўқ. Шу боис уларни онлайн таълим шаклига ўтказмоқчи эдим, ammo мактаб бунга рози бўлмади. Айтингчи, шундай вазиятда фарзандларимни онлайн таълимга ўтказиб, чет давлатга олиб кетишим мумкинми?

МЕНДА САВОЛ БЕР...

ҲОРИЖГА КЕТГАН ЎҚУВЧИ ДАРСГА ОНЛАЙН ҚАТНАШСА БЎЛАДИМИ?



Мазкур қоидаларнинг мазмунидан келиб чиқиб, мактабларда таълим жараёни фақат кундузги шаклда, ўқувчиларнинг бевосита иштироки билан узлуксиз ташкил этилиши белгиланган. Шу сабабли сиз фарзандларингизни ўқиб турган

мактабидан онлайн таълим шаклига ўтказиб, чет давлатга олиб кетишигиз мумкин эмас. Бундай ҳолатда уларни бораётган давлатингиздаги таълим муассасаларига ўтказиш масаласини қўриб чиқишингиз тавсия этилади.

Азизбек ТУРДИЕВ, Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари:

— Таълим тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, умумий ўрта таълим узлуксиз ва мажбурий, у ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом”нинг 25-бандига қўра, ўқув-тарбия жараёни белгиланган тартибда ташкил этилади. Унга мувофиқ, ўқув йилининг давомидаги 34 ҳафтани ташкил этади.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ИНСОН ҚАРОРИ УСТУН

Бугун сунъий интеллект ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Банкдаги амалиётлар, тиббиёт, таълим, ҳатто суд қарорларида ҳам унинг таъсирини кўриш мумкин. Лекин савол туғилади: бу технология ростдан ҳам ҳаётимиз учун тўғри танловми? Унга бутунлай ишониб қўйиш хато бўлиши ҳам мумкин-ку!



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Сунъий интеллект технологиялари доим тўғри қарор чиқаравермайди. Улар кўпроқ тавсия берувчи восита сифатида ишлатилади, инсоннинг ўзи охириги қарорни қабул қилиши керак. Масалан, агар бирор шифокор унга таяниб, беморни даволаш усулини танласа, нотўғри ташхис қўйилиши ёки яроқсиз дори тавсия қилиниши мумкин. Ёки суд ишида у фақат тавсиявий ҳулосалар беради, лекин қарорни судья қабул қилади. Шу боис Адлия вазирлиги 2026 йил 14 мартда сунъий интеллектни яратиш, жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича этика қоидаларини тасдиқлади. Қоидаларга қўра, сунъий интеллект ишлатилаётганда инсон ҳуқуқлари, адолат, шаффофлик, ҳавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш устувор бўлиши керак. Яъни технология инсон ҳаётига бевосита таъсир қиладиган қарорларни мустақил қабул қила олмайди, фақат ёрдамчи восита сифатида хизмат қилади.

Аmmo амалиётда вазият мураккаб. Банкларда қарз бериш ёки кредит рейтингини аниқлашда мазкур тизимдан фойдаланилади. Агар тизим нотўғри баҳо берса, инсон назорати бўлмаса, миқоз ҳуқуқлари бузилиши мумкин. Онлайн таълимда эса ўқувчининг баҳолари ва уюлқлари сунъий интеллект орқали баҳоланади, тизим хато қилса, бу ўқувчининг келажаци учун жиддий оқибатлар келтиради.



Қоидалар, шунингдек, уни ишлаб чиқарувчилари ва фойдаланувчиларга жавобгарлик юклайди: улар фойдаланувчиларга технология қаред ва қандай ишлатилиши мумкинлигини тушунтириши шарт. Шу билан бирга, нотўғри ишлаш ёки хатолик юзага келганда ким жавобгар эканини аниқлашга ёрдам беради.

Хулоса шунки, қоидалар сунъий интеллектдан муқобил, тавсия сифатида фойдаланишни тартибга солиши ва инсон қарорининг устунлигини кафолатлайди. Лекин амалда одамлар технологияга ҳаддан зиёд ишонилиши, нотўғри тавсиялар туфайли ҳуқуқлар бузилиши ва жавобгарлик масалалари хануз долзарб.

Савол туғилади: сунъий интеллект бизнинг қарорларимизни ёрдамчи сифатида мустақамлаши мумкинми ёки аста-секин инсон тафаккурининг ўрнини босишга уринади? Ҳар бир инсон бу саволни ўзига бериши, технологияга ҳаддан зиёд ишонмаслик ва ҳозирдан эҳтиёт чораларини кўриши лозим. Фақат шунда биз ундан фойдали тарзда фойдаланиб, салбий оқибатларидан ҳимоялана оламиз.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Алимент тўловчилар учун ЧЕТ ЭЛГА ИШЛАШГА ЧИҚИШ ТАРТИБИ соддалаштирилиши мумкин.



Интернет тармоқларида сўкинганлик ва қасддан камситиш ҳолатлари учун МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК жорий этиляпти.



Ўзбекистонда ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ устидан назорат бўйича ягона қўмита тузилиши мумкин.

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Болалар меҳрдан баҳраманд бўлишга ҳақли

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар бир бола меҳр, ғамхўрлик ва эътибор муҳитида улғайиши керак. Бу эҳтиёжлар фақатгина оила муҳитида тўла-тўқис таъминланиши мумкин.



Мардон ИБРОҲИМОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Андижон вилояти бошқармаси матбуот котиби.

У мақсадда Қўрғонтепа туманидаги “Мурувват” болалар интернат уйида тарбияланаётган 14 нафар ногиронлиги бўлган бола кичик ҳажмли болалар уйига жойлаштирилди. Бу ерда улар билан индивидуал ёндашув асосида иш олиб борилляпти. Қайд этиш жоизки, мазкур кичик ҳажмли болалар уйи давлат таъминоти асосида фаолият юритади. Қисқа вақт ичида ижобий натижалар кўзга ташланыпти. Болаларда ўзига ишонч, мустақиллик ва ижтимоий кўникмалар шакллантирилган. Улар ўз-ўзига хизмат қилишни, оддий меҳнат ва уй-рўзғор ишларида ёрдам беришни ўрганди, маҳалладаги тенгдошлари билан мулоқот қила бошлади. Ҳар бир бола таълимга жалб этилди. Дастлаб махсус мактабга қатнай бошлаган ўқувчилар, ижобий ўзгаришлардан сўнг Олтинкўл туманидаги II-мактабнинг инклюзив синфига ўтказилди. Маълум бўлишича, болалар йиллар давомида махсус интернатда тарбияланган. У ердаги кун тартиби асосан парвариш ва назоратга қаратилган бўлиб, индивидуал ёндашув ва меҳр-муҳаббат етишмаслиги уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган.

Психологларнинг фикрича, болани интернетга топшириш унда “мен жамиятга керак эмасман” деган туйғуни кучайтириши мумкин. Шу боис болаларни имкон қадар оилавий муҳитда тарбиялаш энг самарали ёндашув сифатида амалга татбиқ этилмоқда.

Рақамлар тақдирлардан сўзлаганда...

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларга турли нафақалар тайинланиб, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга кўмаклашилмоқда.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, журналист.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, 2026 йил 1 март ҳолатига кўра, ижтимоий нафақа олувчилар сони 716 минг 507 нафарни ташкил этди. Жумладан, 167 минг 377 нафар фуқарога ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бўлган болалар нафақаси, 313 минг 798 нафар фуқарога ногиронлик нафақаси, 71 минг 103 нафар фуқарога парвариллаш нафақаси, 95 минг 124 нафар фуқарога ёшга доир нафақа, 58 минг 316 нафар фуқарога боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўлаб берилди.



БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Шунингдек, 9 минг 120 нафар ўзгалар парварлишига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ҳамда ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ёрдам, 5 минг 415 нафар фуқарога уй-жой коммунал хизмат ҳақини тўлаш бўйича компенсация, 1 минг 669 нафар фуқарога оилавий болалар уйи ва патронатга олинган болалар таъминоти учун тўловлар ажратилган. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, жорий йил февраль ойида янги тайинланган нафақа олувчилар сони 6 минг 116 нафарни ташкил этди. Бу каби ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Инсон жабрга эмас, қадрга муносиб

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳар қандай демократик жамиятнинг энг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, инсон шаъни ва қадр-қиммати таҳдид солувчи оғир жиноятлар қаторида одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш масаласи халқаро ҳамжамият кун тартибидида энг долзарб мавзулардан бири бўлиб келмоқда.

Фарид НАЗАРОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.

Юртимизда мазкур йўналиш давлат сиёсатининг устувор масалаларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, соҳада давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, профилактик чораларни кучайтириш ҳамда жабрланган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича Миллий комиссия ташкил этилган.

Комиссия давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган асосий мувофиқлаштирувчи тузилма ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси мамлакатда мазкур соҳадаги давлат сиёсатини шакллантириш ва унинг самарали амалга оширилишини таъминлашдан иборат. Қолаверса, республикаимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида мустақам ҳуқуқий асос яратилган. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун бунга яққол мисол бўла олади. Унга мувофиқ, одам савдосидан жабрланган шахсларни аниқлаш, уларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни жамиятга қайта мослаштириш бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ ваколатлари белгиланган.

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази эса жабрланган шахсларга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматларни кўрсатади. Шу орқали инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини тиклаш, унинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жамиятга қайта мослаштиришга хизмат қилади.

Сўнги уч йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, реабилитация маркази жами 899 та хизмат кўрсатган бўлиб, уларнинг 257 таси тиббий, 179 таси юридик, 242 таси психологик ва 221 таси ижтимоий йўналишларни қамраб олади. Халқаро экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, мажбурий меҳнатга қарши қатъий чоралар қўрилгани ҳамда меҳнат муносабатларида шаффофликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳоламоқда. Келгусида профилактика чораларини янада кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ҳабардорлигини ошириш, меҳнат миграцияси жараёнларидаги ҳавф омилларини барвақт аниқлаш ҳамда жабрланган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва жамиятга қайта интеграциясини таъминлаш тизимини такомиллаштириш режалаштирилган.



Хулоса қилиб айтганда, одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар инсон қадрини улуғлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА ҚЎРА, 2026 йилда пахтани машинада териш улуши 70 фоизга етказилади.



2030 йилга қадар Ўзбекистонда олтин ишлаб чиқаришни 175 тоннага, кумушни 500 тоннага, уранини 15 минг тоннага етказиш вазифаси белгиланди.



1 сентябрдан ЙИРИК ВА МЕГАЛОЙИХАЛАР УЧУН параллел экспертиза амалиёти йўлга қўйилади.

2026 йил 18 МАРТ, ЧОРШАНБА

Ma'halla №21

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ХУЖЖАТ “ГАПИРГАНИ” МАЪҚУЛ, ХАТОЛИКЛАР КАМ БЎЛАДИ

Мен фаолият юритаётган тўртта маҳаллада 3 780 нафар ер ва мол-мулк солиғи тўловчилар мавжуд. Ҳар бирининг ҳолати, муаммоси, ташвиши биз учун муҳим.



Яшнар ТОШМИРЗАЕВ, Поп туманидаги “Чиганок”, “Уч уйли”, “Юксалиш” ва “Яккут” маҳаллалари солиқ инспектори.

Кўп ҳолларда муаммо кичик кўринади, аммо вақт ўтиб катта муаммога айланади. Айниқса, майда савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлар орасида хужжатсиз ишлаш ҳолатлари кўп учрайди. Уларнинг айримлари 2-3 миллион сўмлик товар билан савдо қилади, лекин солиқ тўлашни оғир деб ҳисоблайди. Шундай пайтда уларга сабр билан тушунтирамиз: хужжат билан ишлашнинг афзалликлари, қонуний фаолият юритишнинг фойдаси ҳақида батафсил маълумот берамиз. Чунки бугунги кичик хатолик эртага катта жарамага сабаб бўлиши мумкин.

Утган йили ҳудудда 45 та ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркорлик ҳолатини аниқладик. Улар билан тушунтириш ишлари олиб бориб, ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бердик. Натيجада 23 нафар тадбиркор ўз фаолиятини қонуний йўлга қўйди. Бу йил бошидан буюн фаолиятини янги бошлаган ёки қонунийлаштирган тадбиркорлар сони 30 нафардан ошди.

Яна бир тоифа бор — мавсумий ишлайдиган тадбиркорлар. Масалан, қишда савдоси юрмайдиган ёки хизмат

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

кўрсатиши вақтинча тўхтайдиганлар. Баъзилар фаолиятини тўхтатган бўлса, солиқ тўлаш шарт эмас, деб ўйлайди. Аслида, бу масалада ҳам қонуний тартиблар бор. Яқинда бир аёл қиш фаслида машина ювиш шохобчасини ёпиб қўйган эди. Февраль ойида ишини қайта бошлаганида, унга вазиятни тушунтирдик ва фаолиятини қонуний йўлга қўйишига ёрдам бердик.

Шунингдек, кичик ошхона очиб, шашлик пишириб сотаётган фуқаро бор эди. Мижозлари кўп эмас, аммо қонун барча учун бир хил. Уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказдик. Бозорларда газета-журнал сотаётганлар, савдо қилаётганлар ёки уйда тикилган маҳсулотларни сотаётган опа-сингилларимизни ҳам шундай тартибда рўйхатга олдик.

Баъзан фуқароларда тушунмовчиликлар юзга келади. Масалан, яқинда бир ҳолатда вафот этган отанинг номидаги мол-мулк солиғи ҳам, ўглининг номидаги солиқ ҳам бир вақтнинг ўзида ҳисобланган. Текширув давомида маълум бўлдики, бу кадастр тизимидаги хатолик сабаб юзга келган. Эски маълумотлар ўчирилмай қолган экан. Шунга ўхшаш ҳолатлар яна бир неча бор учради, лекин уларнинг барчасини жойида ҳал қилиб, хатоларни бартараф этдик.

Ҳар бир тадбиркор қонуний ишласа, нафақат ўзи учун, балки жамият учун ҳам фойда келтиради. Энг муҳими, фуқароларнинг бизга бўлган ишончини оқлашдир. Чунки шу ишонч — бизнинг ишимизга берилган энг катта баҳодир.

НУҚТАИ НАЗАР

Маҳалла билан “тил топишмаган” тадбиркор “хавфли” тоифага кирадимиз?

Бугунги кунда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси нафақат иқтисодий ўсишни, балки унинг сифатини ҳам белгилаб бермоқда. Эндиликда оддийгина ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ўзи етарли эмас, бу жараён атроф-муҳитга, жамиятга ва бошқарув маданиятига қандай таъсир қилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Улғабек ЁҚУБОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети профессори.

У боис, иқтисодиётда ESG (Environmental, Social, and Governance) — яъни экология (E), ижтимоий масъулият (S) ва бошқарув тамойиллари (G) тобора долзарб бўлиб бормоқда. Илгари бизнес ва маҳалла ўртасидаги муносабатга кўпроқ “яши қўшничилик” даражасида қаралган бўлса, бугун бу масала аниқ иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилувчи омилга айланган. Оддий қилиб айтганда, маҳалла билан тил топиша олмаган, унинг экологик ва ижтимоий муҳитига зарар етказган тадбиркор аста-секин “хавфли” тоифага кириб қолади — бу кредит олишда, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда ёки инвести-

ция жалб қилишда жиддий тўсиқ бўлади.

Давлат ҳам бу йўналишда аниқ қадамлар қўймоқда. Масалан, 2025 йилда маҳаллаларда “яшил маҳалла” лойиҳаларини амалга ошириш учун 1 триллион сўм маблағ ажратилгани бежиз эмас. Бу ташаббус ортда оддий ҳақиқат бор: барқарор иқтисодиёт, бу — соғлом муҳит, тоза ҳаво ва ижтимоий барқарорлик билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, 2026-2027 йилларда айнан маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш орқали юз минглаб янги иш ўринлари яратиш режалаштирилётгани ҳам бу тизимнинг қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

Аммо шу ерда бир савол туғилади: **ҳар бир кичик тадбиркор ESG ҳақида ўйлаётими?** Амалиёт шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда кичик бизнес

вакиллари шовқин, чиқинди ёки ҳавони ифлослантириш масаласига етарли эътибор бермайди. Масалан, оддий бир устaxonа ёки кичик ошхона ҳам маҳалла аҳолиси учун ноқулайлик туғдириши мумкин — шовқин, хид, чиқинди орқали. Агар тадбиркор буни вақтида ҳал қилмаса, унинг обрўси тушади, мижозлари камайди ва охири-оқибати иқтисодий зарар қуради.

ESGнинг учта асосий йўналиши бор. Экология, бу — электр ва сувдан оқилona фойдаланиш, чиқиндиларни камайтириш. Ижтимоий йўналиш — маҳалла аҳолисини иш билан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш. Бошқарув эса — молиявий шаффоқлик, адолат ва хатто аёл раҳбарларнинг иштирокига бўлган масалаларни ўз ичига олади.

Давлат дастурларида ҳозирча, асосан, йирик корхоналарда ESG ҳисоботини жорий этиш белгиланган. Лекин менинг фикримча, бу жараённи фақат катта бизнес билан чеклаб қўйиш тўғри эмас. Агар тадбиркор буни вақтида ҳал қилмаса, унинг обрўси тушади, мижозлари камайди ва охири-оқибати иқтисодий зарар қуради.

Хулоса қилиб айтганда, ESG, бу — мажбурий эмас, имконият. Бу тадбиркорга нафақат қонуний ишлаш, балки барқарор ривожланиш, жамиятда обрў орттириш ва узоқ муддатли фойда олиш имконини беради. Энг муҳими, мазкур ёндашув орқали биз нафақат иқтисодий ўсишга, балки соғлом ва адолатли жамият қуришга ҳам эришамиз.

ТИЙНАТ

Норқобил ЖАЛИЛ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

СИРЛИ ИНИМНИНГ СИРАТИ



малада биз чидаб туролмаймиз, Ҳайрат бўлса, бутун гағволарни жимгина сабру ирода, босиқлик билан енгади.

Хуллас, тупканнинг тағиди Варанаси деган шаҳарга самолётда учиб бордик. Шундоққина Ганга дарёсининг фарбий бўйида жойлашган Дехлидан минг қақирим узокликдаги бу шаҳар ҳақидаги хинд афсоналарига кўра, 5000 йил олдин Шива маъбудии томонидан асос солинган эмиш. Баъзи манбаларда эса шаҳар 3000 йиллик тарихга эга, деб ишонилади. Ривоятларга кўра, бу кўҳна шаҳар қайта туғилиш жараёнининг сўнгги нуқтаси эмиш ва Варанасида ҳаётдан кўз юмганлар бу дунё билан буткул хайрлашармиш. Шунинг учун ҳам шаҳарга хиндларнинг кўчиб келиши тўхтамапти.

Бу гапларни бизга таржимон-гид тутиқушдай сўзлаб бераптию, бутун хаёлимиз ушбу маконда умргузаронлик қилаётган туркий аждодларимиз вакиллари ҳамда хинд мусулмонларининг гоят мураккаб тақдири билан боғлиқ низо-ларга қандай ечим топилаётганида. Чунки хинд диёрига келгунимизча бу заминдаги икки дин вакиллари ўртасида асрлар давомида тўхтамаган низолар айнан Бобурийлар барпо этган масжид ва иншоотлар устида кетаётганини билардик. Шунинг учунки, Дехлида ҳам, бу ёқда ҳам бизнинг боболаримиз авлодлари ва улар барпо этган бинолар ҳақидаги бахтсиз саволларимизни қузатувчилар деярли очик қолдиришарди.

Аллақачон мезбонлар билан тил топиш олган Ҳайрат Мажид эса тадбирнинг расмий очилишидан аввал бизларни XVI асрда олтинчи Бобурий подшоҳ Мирзо Аврангзеб улкан хинд зиёратгоҳи Вишванат ибодатхонаси харобалари устига қурдирган масжидни зиёрат қилмоққа чорлади. Ёнимиздаги миллиқий қўриқчилар орасида ўзимизнинг ислом динига мансуб қавмдошларимиз борлиги янаям қўл келди ва гоят эҳтиёткорлик билан муҳофаза этилаётган Оламгир, Аврангзеб (ҳозирги номи Январпи экан) масжиди номлари билан машҳур жойларни бир дунё хайрат билан томоша қилдик.

Сафардан қайтиб келгач, ҳар биримиз хинд диёрида кўрган-кечирган бой ва гўзал таассуротларимиз, кечинмаларимизни баҳоли қудрат ёритдик. Бу борада ҳам бир ҳафта давомида сайру саёҳатда жимгина, сокин юрган ҳамроҳимиз Ҳайрат Мажид улоқни очиб кетди: “Янги Ўзбекистон” газетасининг 2023 йил 6 январь кунги сонида буюк боболаримиз Маҳмуд Ҳазнавий, Амир Темур, Бобур Мирзо, Шайх Низомиддин Авлиё, Амир Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил каби ушбу сеҳрли диёрга талинган ана бир улғу шоир Мирзо Ғолиб қаламига мансуб “Хинд отли бу бир парча ери оламнинг” сатри сарлавҳага олиб чиқиб, бир саҳифа саёҳатнома-мақоласини эълон қилди.

Ажабо, бир умр Ватан соғинчида кўзлари тўла еш ила гирён бўлган ва олис-олисларда хоки туроблари қолиб кетган аждодларимизнинг муборак номларини қадрлаб, юракларга сингдириш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Негаки, қай бирларимиз ана шундай тақдир соҳиблари мангу қўни топан манзилларни зиёрат ё томоша қилиб келаётган бўлса-да, тўрт қаторгина алам тўла соғинчимизни бита олдимизми? Афсуски, бу борада ҳам Ҳайрат бизларга ибрат бўлгулик ишларни адо этаётир.


Кўнглимнинг бир четида эса ана қанча ёзилмаган дарду изҳорларим бисёр. Булар ҳали жондай азиз қадрдон инимнинг сийратига айрим чизилар, холос. Чинорлар умри насиб этмоғини тилайм!



Ўзбекистон Эрон халқи учун бир нечта юк машинасида ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИНИ етказиб берди.



КЎЧМАС МУЛК ВА ТРАНСПОРТ ОЛДИ-СОТДИСИ нақдсиз шаклда нотариус ва банклар ўртасидаги электрон маълумот алмашинуви орқали амалга оширилади.



Божхона назорати жараёнларини расмийлаштириш учун ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАР ШАКЛЛАРИ тасдиқланди.

8

Mahalla №21

2026 йил
18 МАРТ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“ПОЙТАХТ НАМУНАСИ” БАРҚАРОР МУҲИТНИ ТАЪМИНЛАЯПТИ



Баъзи неъматларни кўзимиз билан кўраимиз, айримлари эса кўринмаса-да, йўқлиги сезилади. Тинчлик ва осойишталик ана шундай кўзга кўринмас, лекин йўқлиги билинадиган бебаҳо неъмат.

Муродилла ҚОЗОҚОВ,
Фаргона шаҳридаги
Алишер Навоий номи
маҳалла профилактика
инспектори.

Бежизга Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу мавзу алоҳида тилга олинмади. Чунки тинчлик бўлса, бошқа ишлар кўнгилга сизгади. Шу боис йиғилишда муаммо ва камчиликлар рўйи-рост танқид қилиниб, ечими бўйича вазифалар белгиланди, “пойтахт намунаси” асосида ишлар ташкил этилди.

Маҳалламиз Фаргона шаҳрининг аҳоли гавжум қисмида жойлашган. Худуддаги футбол майдони, меҳмонхона, нодавлат таълим муассасалари, савдо дўконлари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш объектлари бир томондан аҳолига қулайлик яратётган бўлса, бошқа томондан ҳуқуқбузарликлар содир этилиш хавфини оширмоқда. Утган йилги жиноятларни таҳлил қилганимизда, 14 та олдини олиш мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Аксарияти четдан келган фуқаролар иштирокида рўй берган. Шу боис аҳоли гавжум жойлар, кўп қаватли уйлар назорати янада кучайти-

рилди. Патруль-пост, йўл-патруль ҳамда кўриқлаш хизмати ходимларининг ўзаро ҳамкорликдаги уч сменалик навбатчилиги йўлга қўйилди. “Менинг инспекторим” тизими орқали қайта ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари ёрдамида кунлик сўров тизими жорий этилди.

Яна бир муҳим масала, энди ҳар кунни бошқармага эрталаб-ки йўриқномага бормаяпмиз. Бу амалиётдан воз кечишиб, урнинг “онлайн йўриқнома” тизими ишга туширилди. Натижада деярли куннинг ярмини тежаб қолиб, хизмат вазифамизга сарфляяпмиз.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъсирчан услуларида ташкил этиш мақсадида “кўчабоши” ва “уйбоши”лар билан ҳамкорликда қилинадиган ишларни қайта шакллантирдик, уларни ҳам ой якунида рағбатлантириш тизими ишлаб

чиқилди. Оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастури тайёрланиб, нотинч оилалар вакиллари билан профилактик учрашувлар ўтказаяпмиз. Муаммоларни ҳал этиш учун ҳуқуқий, психологик ва тиббий маслаҳат бериш тизимини жорий қилдик.



Маҳаллада “хавфсиз кўча” ташкил қилиниб, худудга 100 дан ортиқ “Камера назорати остида” номилик стикерлар ёпиштирилди. Кўча чиқроқлари ўрнатилди, йўл белгилари қайта чизилди. 35 та кўп қаватли уйнинг кириш йўлакларига кодли қўлф, 8 та юзни таниб олувчи варифокал камера ўрнатилди.

Амалга оширилаётган ишлардан пировард мақсад жиноятчиликни жиловлаш ва маҳаллада хавфсиз муҳитни яратишдир. Юртбошимиз Чилонзор тумани мисолида тушунтириб берган янги тизимни амалиётга жорий этишимиз биланоқ, самараси сезила бошлади. Барча тадбирларни ҳам-жиҳатлик билан ташкил этсақ, биринчи чорак якунида криминоген вазиятни янада барқарорлаштиришга эришамиз.



Дорилар кўчаларга кўмиб қўйилган экан...

“Пойтахт намунаси” жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аҳоли учун хавфсиз муҳит яратиш борасидаги самарали тизим сифатида жиноятларни вақтида аниқлаш ва фош этишда қўл келяпти.



Сухроб ШОМАНСУРОВ,
Ички ишлар вазирлигининг
Жамоат хавфсизлиги
департаменти
ахборот хизмати ходими,
подполковник.

Мисол учун, хавфсиз муҳитни таъминлаш борасидаги тазор тадбирлар ҳамда “Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлари доирасида ички ишлар органлари ходимлари олиб борган тадбирда оғир жиноятнинг олди олинди. Жорий йилнинг 13 март куни Чилонзор туманидаги “Хирмонтепа” маҳалласи профилактика инспектори, капитан Лазизбек Абдукаримов гиёҳвандлик моддаларини ички кўчалардаги ерга кўмиб юрган 2 нафар шахсни кўздан кечириш мақсадида тўхтатди. Бирок гумдондор шахслар ходимнинг қонуний талабига бўйсунмай қочишга уринади. Наркокурёрларнинг бири қўлга олиниб, зарарсизлантирилди. Холислар иштирокида текширилганда, ёнидаги сумкада 59 та қадоқланган 295 донга кучли таъсир этувчи восита борлиги аниқланди.

Тезкор-суриштирув давомида қўлга олинган шахс маҳалла худудидagi бир нечта нуқталарга кўмиб қўйган ва локация орқали белгилаб кетган дори воситалари ҳам ашёвий далил сифатида олинди.

Жиноят-қидирув ходимлари ўтказган тезкор тадбирда наркокурёрнинг қочишга уринган шериги Шайхонтоҳур тумани худудида ушланди. Унинг ёнида ҳам тарқатиш учун тайёрлаб қўйилган 35 донга кучли таъсир қилувчи дори борлиги аниқланди.

Профилактика инспекторининг хушёрлиги, хизмат вазифасига сикдидилдан ёндашганлиги ва мураккаб вазиятда тўғри қарор қабул қилганлиги учун наркокурёрлар фаолиятига чек қўйилди. Муҳими, бу орқали юзлаб ёшларнинг гиёҳвандлик балосидан сақлаб қолинди. Шу боис капитан Лазизбек Абдукаримовнинг кўрсатган жасорати инобатга олинди, Ички ишлар вазири унга муддатидан аввал “майор” махсус унвони топширди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

ЯШАШ ЖОЙИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТНИ ҚАНДАЙ ТУЗАТИШ МУМКИН?

Набижон ОТАХОНОВ,
Учкудук тумани:

— Айтишларича, энди кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни ҳар ким мустақил тахрирлаш имкониятига эга бўлибди. Шу тартиб ҳақида маълумот берсангиз.

Бекмурод БЕКИМБЕТОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ахборот хизмати ходими:

— Бу амалиёт “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг яшаш жойи манзиллини ҳамда уларга тегишли кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни тахрирлаш бўйича давлат хизмати кўрсатиш”нинг мазмурий регламенти асосида тартибга солинган.

Унга кўра, Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаменти ва унинг худудий бўлинмалари мазкур соҳада ваколатли орган ҳисобланади.

Регламент асосида фуқаронинг яшаш жойи манзилли тўғрисидаги нотўғри маълумотни тахрирлаш бўйича мурожаати асосида тизимда тахрирланган қайд варағи бериш учун давлат



хизмати кўрсатилади. Шунингдек, мулкдорнинг кўчмас мулкда яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахс (шахслар) тўғрисидаги нотўғри маълумотни тахрирлаш бўйича мурожаати асосида тизимда манзил бўйича рўйхатдан ўтганлар ҳақида тахрирланган маълумотнома бериш кўзда тутилган.

Яна бир муҳим янгилик, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан ҳамкорликда худудий маҳалла фуқаролар йиғинидан суровномада тахрирлаш кўрсатилган манзилда фуқаро (фуқаролар) яшаши ёки яшамаслиги ҳақидаги маълумотни “Рақамли маҳалла” платформасидан “Электрон ҳукумат” тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиш имконияти яратилган.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнни мусаҳҳиж Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 830 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

